

АРАБ МАТБУОТИДА БЕРИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Нематуллаева Сожида

*Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети**Халқаро ва аудиовизуал журналистика факултети**“Хорижий тиллар” кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Мазкур мақола араб адабий тилининг оммавий ахборот воситалари матнларида аксарият ҳолатларда бир бирига мос келмайди, шунинг учун адекват (тўғри) таржима муаммолари, айниқса матбуотдаги ижтимоий-сиёсий матнлар учун ўта долзарб муаммодир. Араб матбуот тилининг жанр ва услубидан келиб чиқиб, ўзбек тилига ўгиришдаги асосий қонуниятларни изоҳлаб бериш, таржима жараёнида учрайдиган лексик, синтактик ва стилистик масалаларни ечимини бериш мақсад қилиб кўйилган.

Калит сўзлари: матн; газета матни; дискурс; коммуникатив нутқ жараёни; алоқа; илмий услуб; расмий услуб.

Маълумки, таржимашуносликнинг таркибий қисмларидан бири бўлмиш хусусий лингвистик назариялари бир тилдан иккинчи тилга ўгирилган таржиманинг хусусиятларини, аниқ (конкрет) тил бирликлари ўртасида ўзаро мос келиш ва таржима трансформацияларининг турларини ўрганишга қаратилади. Мазкур лингвистик назарияларда лингво-ижтимоий-маданий жиҳатлар катта аҳмиятга эга бўлиб, аксарият ҳолатларда таржиманинг сифати айнан шу жиҳатлар билан боғлиқ бўлади. Дарҳақиқат, таржимон нафақат бир-биридан фарқ қилувчи тиллардаги матн билан, балки матнда акс этирилган иккита ҳар хил маданият, жамият ва менталитетга дуч келади. Демак, таржимон ушбу хусусиятларни инобатга олиши ва мазкур жиҳатлар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг оптимал (маъқул бўлган) ечимларини бериши талаб қилинади.

Тилшуносларнинг аксарияти публицистик услубни тил тизимида мустақил функционал услуб сифатида ажратишади. Ушбу услубда – илмий, расмий, оғзаки ва бадий услубларнинг ўзига хос хусусиятлари мунозарага асос бўлади. Шулардан келиб чиқиб, публицистик услуб билан бир қаторда ўзига хос (алоҳида) газета услубини ажратиш зарурати вужудга келади. Е.М.Чекалинанинг фикрига кўра, «функционал-услубий дифференциация (фарқлаш, ажратиш) негизида бўлган тамойиллар... газета тилига ҳам мос келади: газета хабар етказиш ва таъсир кўрсатишда ижтимоий вазифаларни бажаради. У ижтимоий фаолиятнинг оммавий коммуникация бўлмиш аниқ белгиланган соҳаси билан боғлиқ. Газетага назар ташлаш ... уни функционал жиҳатдан аниқ белгиланган нутқий турининг яхлитлигини яққол кўрсатиб беради ...».

Газета тилини алоҳида ажратишда, тилнинг функционал услублари тизимида унинг роли ва мавқеини аниқлашда қуйидаги нуқтаи назарлар асос қилиб олинди:

1. Газета услуби ундаги турли услубларнинг унсурлари бўлгани боис мавжуд эмас;

2. Ўзига хос газета услуби мавжуд, аммо унга «стилистик антигомогенлик» хос;

3. Газета услуби мавжуд, лекин тилнинг функционал услублари тизимида у ўзига хос мавқега эга:

а) «газета – ёки публицистик-журнал услуби»;

б) газета – публицистик услубнинг тур ости услуби;

в) газета-ахборот услуби – публицистик услуб қаторидаги мустақил услуб;

4. Газета нутқи – оммавий-коммуникатив услублар тизимида кирувчи функционал-услубий бирлиги.

Публицистик услуб – тилнинг функционал услублари тизимида мустақил услуб ҳисобланиб, ўзининг ички хусусиятларидан келиб чиқиб, турли услубга хос унсурлар, муайян тил воситаларининг мажмуаси ва ушбу воситаларнинг такрорий қўлланилиши билан ажралиб туради. Публицистиканинг кўп жанрлигидан келиб чиқиб, мазкур услуб доирасида газета ва журналлар тили мустақил ўрин эгаллайди. Шундай қилиб, газета ва журналлар тилини матбуот тили номи остида бирлаштириш мумкин, чунки газета ва журналлар тилининг асосий мақсади – ахборотни етказиш ва таъсир қилиш учун бир хил тил воситалари ёрдамида мурувват қилишдир.

Демак, публицистик услубнинг тури бўлмиш матбуот тили қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Ахборот бериш (информативлик);

2. Таъсир кўрсатиш (тарғибот-ташвиқотчилик);

3. Оммавийлик;

4. Тарбиявийлик;

5. Таҳлил қилиш (аналитик хусусият);

6. Ташкилий;

7. Кўнгил очар.

Публицистик услуб каби матбуот тили экстралингвистик омиллар туфайли “услублар ранг-баранглиги” билан ажралиб туради. Лингвистик тадқиқотларда матбуот тили қуйидаги жанрларга тақсимланади:

- таҳлилий (аналитик – мақолалар, корреспонденция, шарх);

- ахборот (информацион – солнома /йилнома/, шарх, ҳисобот, репортаж, интервью);

- бадий-публицистик (баён /очерк/, фельетон, памфлет).

Кўриниб турибдики, жанрларнинг хилма-хиллиги публицистик услубининг турлиличаги билан боғлиқ. Демак, матбуот тили нутқий тизимликка эга бўлиб, тил воситаларининг махсус танлаб олинишида ва уларнинг фаоллигида намоён бўлади. В.Г. Кузнецовнинг фикрига кўра, «матбуот тили /газета-публицистик/услубнинг тизимли яхлитлиги ҳар хил даражадаги тил воситалари – лексик, морфологик ва синтактик, шунингдек, комбинатор-конструктив воситаларининг мажмуаси орқали шаклланади».

Хулоса

Шундай қилиб тилни экстралингвистик омиллар билан биргаликда ва боғлиқликда ўрганиш таржима талабларига жавоб беради. Таржима бу дастлабки матн маъносини таржима қилинаётган матнда шу маъноларга эквивалент маъноларга ўтказишнинг мураккаб кўп томонлама жараёндир. Бу таржима нафақат икки тилни билиш билан чегараланади, балки у таржима нолингвистик характердаги омилларни ҳам қамраб олади. Булар лингвистик характердаги омиллар қадар муҳимдир. Бошқача айтганда, таржиманинг макролингвистик назарияси бутун таржима соҳасини қамраб олади ва бу орқали уни муваффақиятли бажарилиши учун барча зарурий шарт-шароитларни таъминлаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Qodirov T.Sh., Aliyev D.I. Arab tili leksikologiyasi. ToshDShI, 2010. 110 b.
2. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. М., 1998.
3. Белкин В.М. Общие тенденции развития арабской научно-технической терминологии в послевоенный период. “Развитие языков в странах зарубежного Востока (послевоенный период)”, М., “Наука”, 1983. 164 б